



O'ZLIDeP



XXI ASXR

IJTIMOIY - SIYOSIY GAZETASI

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

Биз бугун 38 миллиондан зиёд катта халқимиз. Машаққатли ва шарафли меҳнатимиз билан дунёда ҳурмат топаётган, эртанги кунга ишонч билан дадил бораётган, матонатли ва ғурури баланд миллатимиз. Биз ўзгаришларни кутиб яшамаймиз, аксинча, уларни ўзимиз, ўз ақл-заковатимиз ва масъулиятли меҳнатимиз билан яратамиз.



Ассалом Янги йил, хайр 2025!..

Хўш, ўтаётган йилдан розимизми? Унинг ўчмас саҳифаларига битилган нодир ёзувлар, тарихий воқеликлар эслашга, хотирлашга арзийдими? Дунё, минтақада рўй берган унутилмас ўзгаришлар-чи? Жаҳонга Ўзбекистон номи ила янграётган, танилаётган, эътироф этилаётган бу улуг ва шарафли

мақомга ярашиқли қандай ишларимиз тарих мулкига айланажак? Шу каби ҳаётини саволлар замирида бизларнинг тақдир-аъмолимиз, фахрланса арзийдиган хайрли ишларимиз мужассам. Демак, залворли ишлар, улуввор режалар ҳали олдинда. Янги йилимизнинг қадамлари қутлуғ келсин!

O'zLiDeP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДА

2026 ЙИЛДА ТАДБИРКОРЛИК ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

АСОСИЙ СОЛИҚ СТАВКАЛАРИ ЎЗГАРИШСИЗ ҚОЛДИРИЛАДИ, ИНФРАТУЗИЛМА ЛОЙИХАЛАРИГА 10 ТРЛН СЎМДАН ЗИЁД МАБЛАҒ АЖРАТИЛАДИ

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбарининг жорий йил 26 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифалар ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди.



ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ДАСТУРИЙ ҲУЖЖАТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида маҳалла инфратузилмасини янада яхшилаш, иқтисодий технология ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш, касбларни ривожлантириш ва янги меҳнат бозори архитектурасини яратишга алоҳида аҳамият қаратилди. Шунингдек, экологик мувозанатни таъминлаш, “яшил” энергетика ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий давлат бошқаруви ва адолатли суд-ҳуқуқ тизими борасидаги ислохотларни давом эттириш бўйича устувор йўналишлар белгилаб берилди.

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишларида ҳужжатда илгари сурилган ташаббуслар мазмун-моҳиятини сайловчиларга етказиш, юртимиз раҳбарига хизмат қиладиган вазифаларни амалга ошириш жараёнида фаол иштирок этиш, бу борада муҳим чора-тадбирларни белгилаб олиш масалалари афторлича муҳокама қилинди. Жумладан, икки сиёсий партия – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциялари аъзоларидан иборат “Тараққиёт блоки”нинг йиғилишида Мурожаатномада белгилаб берилган 6 та устувор йўналиш хусусида сўз борди ҳамда улардан келиб чиқиб, “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” давлат дастурида назарда тутилган вазифаларнинг

сўзсиз ижро этилишини таъминлаш, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини янгидан қабул қилиш мақсадларига эришиш парламент зиммасига алоҳида масъулият юклаши қайд этилди. – Мурожаатномада белгиланган устувор йўналишлар O'zLiDeP Сайловолди дастурида кўзда тутилган мақсад ва вазифаларга тўлиқ мос келади, – деди фракция раҳбари Ақтам Хаитов. – Партияимиз ва унинг фракцияси ушбу ислохотларни амалга оширишда қонун ижодкорлиги, парламент назорати ва жойлардаги амалий ишларни янада кучайтирган ҳолда иқтисодий юксалтириш, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш ва тадбиркорлик учун янада қулай муҳит яратиш йўлида масъулият билан фаолият олиб боради. Йиғилишда барча соҳаларга, хусусан, ички бозорда талабни рағбатлантириш, аҳоли даро-

мадлари ва харид қобилиятини ошириш, инфляция даражасини барқарор ушлаб туришга қаратилган чора-тадбирларга ҳам эътибор берилди. Бу борада уй-жой ипотекаси, истеъмол ва хизматлар соҳаси, туризм ҳамда транспорт инфратузилмасининг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш орқали иқтисодий фаолликни оширишда парламент ва жамоатчилик иштирокини кучайтириш муҳимлигига ургу берилди.

Шунингдек, мамлакатимиз меҳнат бозорини янги архитектура асосида – касб, малака, технология ва таълимни бирлаштирадиган ягона механизм сифатида шакллантириш масалалари ҳам диққат марказда бўлиб, бу борадаги вазифаларни рўёбга чиқариш орқали ёшларнинг замонавий касбларга эга бўлиши таъкидланди. Депутатлар Мурожаатномада белгиланган устувор йўналишлар партияларнинг Сайловолди дастурида кўзда тутилган мақсад ва вазифалар билан тўлиқ ҳамоҳанг эканини қайд этиб, мазкур вазифалар ижросини таъминлашда фаол иштирок этишини билдиришди. Йиғилишда белгиланган йўналишлардан келиб чиқиб, “Тараққиёт блоки” олдида турган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Ўз мухбиримиз

БУГУНГИ СОНДА:




КЕЧАГИ ЮТУҚ ЭРТАНГИ ТЎСИҚҚА АЙЛАНМАСИН

3



УЧҚУДУҚНИНГ АФСОНАВИЙ АЁЛИ

4



ОТ ЙИЛИ ҚАНДАЙ КЕЛАДИ?

6



Обуна
2026 йил учун



ОБУНА ИНДЕКСИ – 406
МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН:

(71) 255-68-50

Дунё ва мамлакатимиздаги энг сўнгги янгиликлар!

ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕРЛАРИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

Кириб келаётган 2026 йил билан барча
юртдошларимизни, жумладан,
таракқиётимизга ўзининг ҳалол меҳнати,
фридкорона савий-ҳаракати билан муносиб
ҳисса қўшаётган фермер ва деҳқонларимизни
чин дилдан муборакбод этади!
Янги йилда мамлакатимиз қишлоқ
хўжалиги соҳаси янада ривожланиб,
ҳосилдорлик ва самарадорлик омилини
тилаймиз.



“NAVOBOD NASLI PARRANDA” фермер хўжалиги жамоаси

халқимизни кириб келаётган 2026 йил билан
самимий табриклайди!
2025 йил деҳқон ва фермерларимиз учун баракали
йил бўлиб, юқори ҳосил олинди.
Бу натижалар қишлоқ хўжалигида замонавий
технологиялар жорий этилгани ва самарали меҳнат туфайлидир.
Янги йилда ҳам ютуқларимиз изчил давом этиши,
ҳар бир хонадонга тинчлик, фаровонлик ва барака
кириб келишини тилаймиз.
Барчангизга мустақкам соғлиқ ва омад ёр бўлсин!



Ҳаммаси халқ фаровонлиги учун

БУНЁДКОРЛИК

Юртимизда аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ҳар томонлама ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган кенг қўлмали ва изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Шаҳар ва туманлар қиёфаси тубдан ўзгариб, замонавий турар жойлар, дам олиш масканлари, мактаб ва тиббиёт муассасалари барпо этилмоқда, ижтимоий инфратузилма объектлари сифат жиҳатдан мутлақо янги босқичга кўтарилмоқда.



Айниқса, таълим муассасаларида ўқувчилар учун соғлом, хавфсиз ва қулай муҳит яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, мактабларнинг санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш, йиллар давомида эскириб, замон талабларига жавоб бермай қолган хожатхоналар ўрнида замонавийлари барпо этилмоқда.



Шу каби эзгу ишлар Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги 43-сонли умумтаълим мактабида ҳам бошланган. Ушбу таълим муассасаси икки ўқув биноси учун алоҳи-

ридаги “Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси” буюртмаси асосида “Kogon Stroy Prestij” масъулияти чекланган жамияти курувчилари томонидан белгиланган меъёр ва талабларга қатъий риоя этилган ҳолда сифатли амалга оширилмоқда.



Уларда иссиқ ва совуқ сув таъминоти, замонавий сантехника жиҳозлари, ишончли канализация ҳамда самарали шамоллатиш тизимлари ўрнатилди. Бино санитария-гигиена талабларига мос антибактериал материаллар билан пардозланиб, қиш мавсумида фойдала-

тозалаш ва қайта ишлаш мақсадида замонавий “Топлос” қурилмасидан фойдаланилмоқда.

Айни йўналишда Оҳангарон шаҳридаги 6-сонли, Оҳангарон туманидаги 51-сонли мактабларда ҳам қурилиш ва янгилаш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Оққўрғон туманидаги 5-сонли мактабда мазкур лойиҳа тажрибали курувчи **Завқиддин Шодмонов бошчилигидаги “Chirchiq Bunyod Qurilish” масъулияти чекланган жамияти** меҳнат жамоаси томонидан амалга оширилиб, айни пайтда барча пардозлаш ишлари якунланган ва объект фойдаланишига тайёр.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам аҳоли манфаатига хизмат қилаётган муҳим лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, Нурафшон шаҳрида Тошкент вилояти аҳолисига сифатли ва замонавий тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида янги қон қуйиш станцияси барпо этилди.

Донорларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш бўлими, тиббий кўрик ва маслаҳат хоналари, қон олиш (донация) заллари, клиник-диагностик лаборатория, қон компонентларини қайта ишлаш ва сақлаш бўлимлари, сте-

ризация ҳамда фавкулдда ҳолатлар учун шошилиш тиббий ёрдам хоналари ташкил этилган. Шунингдек, донорлар учун қулай кутиш ва дам олиш хоналари ҳам замонавий талаблар асосида жиҳозланган.

Мазкур қон қуйиш станциясини барпо этиш ишлари малакали бинокор Фулом Раҳмонов бошчилигидаги “Озода МРТ” масъулияти чекланган жамияти курувчилари томонидан юксак масъулият билан сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилди.

Айтиш жоизки, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида амалга оширилаётган бундай ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, ёш авлод учун соғлом ва хавфсиз муҳит яратиш, фуқаролар турмуш фаровонлигини оширишда муҳим ўрин тутади. Энг асосийси, бу каби ишлар инсон қадрини улуғлаш, халқ манфаатини таъминлашга қаратилган ислохотларнинг амалий ифодасидир.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
“XXI asr” муҳбири

Хизматлар лицензияланган
Реклама ҳуқуқи асосида тайёрланди.



Agrobank

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

барча мижозлар, ҳамкорлар
ва юртдошларимизни кириб келаётган
Янги йил билан самимий қутлайди!

Ортада қолаётган йил мамлакатимиз иқтисодиётини
қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалигини
ривожлантиришда янги имкониятлар эшигини очди.

“Agrobank” жамоаси келгуси

йилда ҳам ишончли молиявий ҳамкор сифатида барқарор
ривожланиш ва мижозлар фаровонлиги учун хизмат
қилишда давом этади.

Янги йил барчангизга тинчлик, молиявий барқарорлик,
янги ютуқлар ва фаровон ҳаёт олиб келсин!



Хизматлар лицензияланган!

